

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳукукида
УЎК:94(575.1)|1819|:336.22(043.3)

АЗИЗОВ ИКРОМЖОН ШАДИБАЕВИЧ

**XIX АСР СЎНГГИ ЧОРАГИ – XX АСР БОШЛАРИДА
БУХОРО АМИРЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ**

07.00.01– Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Азизов Икромжон Шадибаевич

XIX аср сўнгги чораги – XX аср бошларида Бухоро амирлиги

солиқ тизими3

Азизов Икромжон Шадибаевич

Налоговая система Бухарского эмирата

в последней четверти XIX – начале XX веков25

Azizov Ikromjon Shadibayevich

The Tax system of Bukhara Emirate in the last quarter of 19th and

the beginning of 20th centuries47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АЗИЗОВ ИКРОМЖОН ШАДИБАЕВИЧ

**XIX АСР СЎНГГИ ЧОРАГИ – XX АСР БОШЛАРИДА
БУХОРО АМИРЛИГИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ**

07.00.01– Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tar4 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанов Бахтиёр Мираимович
тарих фанлари доктори

Аминов Бобур Бомуродович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи 06.01.2018. Таг.56.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тарих институти, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871)233-39-91, e-mail: info@uzhistory.uz.)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

А.С. Сагдуллаев

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., дотцент

А.Х. Дониёров

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган айни пайтда дунё миқёсида иқтисодиётнинг тараққий этишида асосий омиллардан бири бўлган солиқ тизимининг аҳамияти ортиб бормоқда. Солиқ тизимини икки томонлама манфаатли усулда қўллаш ва солиқ инфратузилмасини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Қолаверса, ҳозирги кунда жаҳон халқларининг интеграциялашув жараёнлари жадал кечаётган бир даврда тарихий ўзликни англаш, давлатчилик тарихини ўрганиш, ўтмишда кечган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларни илмийлик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австрия, Туркия каби мамлакатларининг илмий тадқиқот марказлари ва университетларида XIX аср сўнгги чораги – XX бошларида Ўрта Осиё хонликлари ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, солиқ олинадиган объектлар, солиқ нозирларининг хизмат вазифалари, амалдорларнинг солиқ йиғишдаги иштироки, шунингдек солиқ тизимида оид ҳужжатлар ҳам ўрганилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, амалга жорий этилган солиқ кодекси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2995-сонли қарори¹ ватан тарихини бирламчи ёзма манбалар асосида илмий тадқиқ этишга қаратилган. Ушбу қарор ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихида муҳим институтлардан бири бўлган солиқ тизимини ёритишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Тошкент ш., 2017 йил 24 май, ПҚ-2995 – сон.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухоро амирлиги солиқ тизими тарихига оид тадқиқотларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1) XIX – XX аср бошларидаги тадқиқотлар; 2) совет даврида нашр этилган адабиётлар; 3) мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар; 4) хорижий нашрлар.

Жумладан, XIX – XX аср бошларида яратилган тадқиқотларда² Бухоро амирлигидаги солиқ тизими тарихига оид айрим маълумотлар келтирилган.

Иккинчи гуруҳ, яъни совет даврида чоп этилган ишларда³ тарих,

² Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 188 с.; Бернс А. Путешествие в Бухару. Ч. I. – М., 1848. – 528 с.; Аминов Г. Краткие исторические сведения о прежних отношениях Бухары к Шахрисабзу // Туркестанские ведомости. – 1870. – №11; Федченко А.П. Топографический очерк Зерафшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканда. – М., 1870; Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1871. – СПб., 1871. – 313 с.; Хорошхин А. Заметка о зякате в Бухарском ханстве // Туркестанские ведомости. – 1872. – №14; Вамбери А. Истории Бухары или Трансоксании, ч. I-II, – СПб., 1873; Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // Туркестанские ведомости – 1873. – №32; Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // Туркестанские ведомости. – 1873. – №32; Гребенкин А.Д. Родословная Мангытской династии / Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Под ред. Н.А.Маева. Вып. III, СПб., 1874; Маев Н.А. Очерки Гиссарского края // Туркестанские ведомости. – 1876. – №2-7; Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – 294 с.; Веселовский Н.И. Мангытская династия, ныне царствующая в Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1878. – №28; Кун А.А. Очерки Шахрисабзкого бекства // ЗРГО. Т. VI. – СПб., 1880. – С. 219 – 220; Покотило Н.Н. Отчёт о поездке в пределы центральной и восточной Бухары в 1886 году. – Т., 1888. – 168 с.; Крестовский В.В. В гостях у эмира бухарского. – СПб., 1887. – С. 297; Поставский И.Т. Город Бухара. Краткий исторический очерк. – Т., 1891; Шубинский П. Очерки Бухары. – СПб., 1892; Юхновский Н. Характеристика торгового движения в Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1895. – №11; Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году. – СПб., 1897; Гр. Олсуфьев А.А., Панаев В.П. По Закаспийской военной железной дороге. Путевые впечатления. – СПб.: Изд. Товарищества М.О.Вольф, 1899. – 227 с.; Снесарев А.Е. Поездка в Горную Бухару // Туркестанские ведомости. – 1904. – №105-112-123-128-134; А.П. Подати и налоги в Восточной Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1906 – №7; Снесарев А.Е. Восточная Бухара. – СПб., 1906; Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. – Изв. Туркест. ИРГО, т. VII, 1907; Административное устройство Гиссарского бекства // Туркестанские ведомости. – 1908. – №112; Бухарский эмир и его подданные // Туркестанские ведомости. – 1908. – №227; Логофет Д.Н. Страна безправия (Бухарское ханство и его современное состояние). – СПб., 1909. – 239 с.; Б.Л. Очерки Гиссарского края // Туркестанские ведомости. – 1910. – №223-227-231-233; Тимофеич. Бухара – рынок России // Туркестанские ведомости. 1910. – №236-238; Юстиция в Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1910. – №163-167-169; Юсупов Ш. Очерки истории Кулябского бекства в конце XIX и начале XX вв. – Т., 1910; Б.А. В Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1911. – №35; Богатство Бухары // Туркестанские ведомости. – 1911. – №271; Гуровский Р. По поводу бухарских реформ // Туркестанские ведомости. – 1911. – №81; Ерещенко В. Путешествие по старой Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1911. – №259-262-264; Крестовский В. В гостях у эмира Бухарского // Русский Вестник. – 1884. – №2-3-5-6-7-8; Меньшиков М. Маленькие соседи // Туркестанский сборник. – Том. 542. – С. 50-54; Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае // Туркестанский сборник. – Том. 323. – С. 241 – 273; Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) // Туркестанский сборник. – Том. 239. – С.295; Рябцев И. Термез (о Бухаре) // Туркестанский сборник. – Том. 428. – С. 197-198; Экономическая жизнь Бухары // Туркестанский сборник. – Том. 542. – С. 9; Энпе. Очерки Бухары // Туркестанский сборник. – Том. 541. С. 175-188.

³ Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства б. Бухарского ханства // Труды Среднеазиатского Государственного Университета. Серия II. Orientalia. Выпуск 1. – Т., 1929. – 53 с.; Гафуров Р., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. – Сталинабад, 1940. – 257 с.; Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. – М.-Лен.: Советское востоковедение, 1948. – 153 с.; Хамраев А.Х. К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX веке. – Т., 1948. – 147 с.; Гафуров Б.Т. История таджикского народа. – М.: Наука, 1949; Мирзаев К.М. Амляковская форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. – Т., 1954. – 104 с.; Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Бухара и Западный Памир в конце XIX в.). – М.: Восточная литература, 1958. – 252 с.; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т., 1958. – 173 с.; Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара в конце XIX – начале XX века. Ремесленная промышленность. – Т., 1962. – 193 с.; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. I. – Душанбе, 1962. – 355 с.; ўша муаллиф. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе, 1963. – 351 с.; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т. I. – Т.: Фан, 1966; Тухтаматов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX – начале XX вв. –

шарқшунослик, манбашунослик фанлари доирасида Бухоро амирлигидаги ер эғалиги, аграр ва сув хўжалиги, давлатчилик, сиёсий бошқарув, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт ва мустамлакачилик сиёсати каби масалаларни таҳлил этиш жараёнида солиқ тизими оид маълумотлар ҳам ёритилган. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, уларнинг аксариятида ҳукмрон совет мафкураси таъсирида солиқ соҳасидаги сиёсат кўпроқ танқидий жиҳатдан баҳоланган.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотларда⁴ мустамлака даври тарихини ўрганишда янги қарашлар асосида, миллий давлатчилик нуқтаи назаридан ёндашилиб, тарихчи ва шарқшунос олимлар томонидан солиқ тизими тарихини ҳам имкон қадар ҳолис ёритишга ҳаракат қилинмоқда. Уларнинг кўпчилигида Бухоро амирлигидаги иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ўрганиш асосида солиқ тизими тарихига оид маълумотлар ҳам келтирилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг тўртинчи гуруҳини ташкил қилган Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Туркистон тарихига оид хорижий тадқиқотларда Бухоро амирлиги солиқ тизими оид баъзи маълумотлар учрайди⁵.

Т.: Фан, 1966. – 177 с.; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т. 2. – Т.: Фан, 1970. – 285 с.; Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX в. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 208 с.; Мухамеджанов А. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.) – Т.: Фан, 1978. – 294 с.; Астанова Г.Ю. Землевладение и аграрные отношения в Западной Бухаре во второй половине XIX – начале XX в. (по документальным источникам). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Т., 1981. – 193 с.; Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX вв. – Т., 1991. – 114 с.

⁴ Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Т., 1996. – 45 б.; Қиличев Р. Бухоро шаҳрида хунармандчилик. – Т., 1996. – 48 б.; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т., 1998. – 478 б.; Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият таракқиёти. I қисм. – Т., 2000. – 271 с.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида. 1 – китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – 464 б.; Мухамеджанов А. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX вв.) – Т.: Университет, 2001. – 416 с.; Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида. Т., 2005. – 239 б.; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Т., 2006. – 71 б.; Каталог Среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда института им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. Составители: А. Урунбаев, Г. Джураева, С. Гуломов. – Т., 23/2007. – 114 с.; Шадманова С. Туркистон тарихи-мағбуот кўзгусида (1870-1917 йиллар). – Т., 2011. – 293 б.; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Т., 2016. – 459 б.; Раззоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари). Тарих фанлари номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1994. – 190 б.; Азамат Зиё Ҳамид ўғли. Ўзбек давлатчилиги тарихидан. Тарих фанлари докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1999. – 339 б.; Авазов Ю.У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жанубий-шарқий бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Тарих фанлари номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2005. – 168 б.; Жумаев У.Х. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши: асосий босқичлари ва таракқиёти. Тарих фанлари номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2012. – 171 б.; Қиличев О.А. Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар Россия – Бухоро муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018. 49 б.; Германов В.А. Почему не состоялись реформы эмира Саида Алимхана // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т., 1995, №5-8. С. 26-30; Агзамова Г.А. К истории торговли Бухары XVI – первой половины XIX века // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1997. – №9-10-11. – С. 57; Алимова Д.А. Бухара конца XIX – начала XX века и зарождение джадидизма // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1997. – №9-10-11. – С. 81; Ражабов Қ. Амир Абдулахад ёки “оғиз” ҳукмдор // Бухоро мавжлари. – 2007. – №2. – Б. 36-37.

⁵ Wolf, Revd Joseph. Narrative of a Mission to Bukhara in the years 1843-45. – Edinburg: William Blackwood and Sons, 1852; Skrine, Francis, Henry and Ross, Edward, Denison. The Heart of Asia. A History of Russian Turkestan and the Central Asian Khanates from the Earliest Times. – London, 1899; Grigoriev, S. E. The Russian Empire and Bukhara // Labyrinth Central Asia Quartely. – 1997. – №4:3. – pp. 32-38; Khalid, A. Society and Politics in Bukhara, 1868-1920 // Central Asian Survey. – 2000. – №19. – pp. 367-396; Анке Фон Кюгельген. Легитимация

Муаммонинг тарихшунослик таҳлили асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўриб ўтилган тадқиқотларда Бухоро амирлиги солиқ тизими тарихини чуқур тадқиқ қилиш мақсади ва вазифаси белгиланмаган. Бирок, уларнинг кўпчилигида мавзуга оид умумий маълумотлар келтириб ўтилган. Ушбу ҳолат амалга оширилаётган тадқиқотнинг заруриятини кўрсатадиган асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида амалга оширилган ФА-Ф8-043 “XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср бошларида Бухоро ва Хива хонликлари тарихи” номли фундаментал лойиҳа (2008-2011) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги солиқ тизими тарихини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амирлик маъмурий бошқарувидаги амалдорларнинг солиқ тизимидаги билвосита иштирокини, шунингдек, солиқ тизимини бошқариш ва назорат қилиш механизминини кўрсатиб бериш;

солиқ тизимига оид расмий ҳужжатларнинг мазмунини таҳлил этиш ва уларнинг амалий аҳамиятини ёритиш;

амирликда фарз ибодатига қаратилган йиғимлар, давлатнинг улушига тегишли солиқлар ва давлат хизматлари учун белгиланган тўловларни алоҳида ўрганиш;

закот олинадиган мулк турлари, уларнинг миқдорини аниқлаб, божхонада закот олиш тартиб-қоидаларини кўрсатиб бериш;

ер даромадлари солиғи ва давлат хизматлари учун олинадиган тўловларни ўрганиш;

солиқ сиёсатининг аҳамиятини очиб бериш ва солиқ амалиёти билан боғлиқ ҳолда юзага келган муаммоларни бартараф этиш тадбирларига оид маълумотларни ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги солиқ тизими масалалари ташкил этади.

Тадқиқот предмети XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги солиқ тизими бошқаруви, солиқ турлари, солиқ йиғиш механизми ва аҳолининг солиқ тизимига муносабати масаласини ўрганишдан иборат.

Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX веков). – Алматы: Дайк пресса, 2001. – 514 с.; Brower, Daniel. Turkestan and the Fate of Russian Empire. – London and New York, 2003. 213 pp.; Geiss, Paul, Georg. Pre-Tsarist and Tsarist Central Asia. – London and New York, 2003. – 320 pp.; Ron, Sela. Ritual and Authority in Central Asia: The Khan's Inauguration Ceremony. Bloomington and Indiana, 2003; Morrison, A.S. Russian rule in Samarkand, 1868-1910: A Comparison with British India. – New York: Oxford University Press, 2008. – 364 pp.; Penati, Beatrice. Notes on the Birth of Russian Turkestan's Fiscal System: A View from the Fergana Oblast. – Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 2010. – №53. – pp. 739-769; Schwarz, Florian. Contested Grounds: Ambiguities and Disputes over the Legal and Fiscal Status of Land in the Manghit Emirate of Bukhara // Central Asian Survey.– 2010. – pp. 33-42; Selim Öztürk. The Bukharan Emirate and Turkestan under Russian rule in the revolutionary era: 1917-1924. – Ankara, 2012. – №29. – 148 pp.

Тадқиқот усуллари. Ушбу масала тарихийлик тамойилига асосланган ҳолда тадқиқ қилинди. Тадқиқотда миқдорий, тизимли, контент таҳлил ва муаммовий-хронологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амирликда марказлашган бошқарув назоратини йўлга қўйиш мақсадида солиқ нозирлари хизмат вазифаларини адолат тамойиллари асосида бажаришини вилоят ҳокими, қози ва раис назорат қилган ва бевосита амир ва қўшбегига ҳисобот берганлиги аниқланган;

закотчи ва амлоқдорларнинг ўз амалини суистеъмол қилишига йўл қўймаслик учун маҳаллий бошқарувдаги амин ва оқсоқоллар ҳамроҳлигида солиқ йиғилганлиги аниқланган;

аҳолининг мурожаатлари, шикоят ва аризалари амир ҳамда қўшбеги девонхонасида ўрганилгани, бунинг учун марказий ҳокимиятдан масъул тайинлаш йўлга қўйилганлиги сабабли ўз амалини суистеъмол қилган амалдорлар ва солиқ нозирларига қонуний тартибда қатъий танбеҳ ва огоҳлантириш берилгани ҳамда амалидан бўшатилгани, ушбу тарзда фуқаро ва давлат муносабатининг шаклланиши кўрсатиб берилган;

амирлик давлат сифатида деҳқончилик, чорвачилик ва тадбиркорликнинг ривожланишидан манфаатдор бўлганлиги туфайли солиқ тўловчиларни ҳимоя қилганлиги, имтиёзлар берганлиги ҳамда уларни қўллаб-қувватлаганлиги ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрганилаётган даврда Бухоро амирлиги солиқ тизимининг иқтисодий сиёсат ва давлат бошқарувидаги аҳамияти кўрсатиб берилди;

солиқ тизимининг ҳуқуқий-анъанавий негизлари асосида шаклланиган ибодат мақсадидаги мажбурият, давлат улушидаги солиқлар ва тўловлар ажратиб кўрсатилди;

давлат мансабдорларининг асосий вазифалари билан бирга солиқ тизимини бошқаришдаги иштироки очиқ берилди;

амирликнинг иқтисодий барқарорлик ва тинчликни сақлаш йўлида олиб борган солиқ сиёсатининг ўзига хос йўналишлари кўрсатиб берилган;

маъмурий иш юритиш ва солиққа оид ҳужжатларининг соҳага оид вазифаси кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган кўп турдаги бирламчи ҳужжатлар⁶, Бухоро амирлиги тарихига бағишланган маҳаллий манбалар⁷, Бухоро амирлиги солиқ тизимининг анъанавий-ҳуқуқий асосла-

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. И-1-фонд. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси; И-2-фонд. Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор; И-3-фонд. Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги; И-126-фонд. Бухоро амирлиги қўшбеги канцелярияси; 2678-фонд. О.Д. Чеховичнинг шахсий жамғармаси.

⁷ Мир Мухаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома / Перевод с тадж. предис. прим. и указат. Проф. А.А. Семёнова. – Ташкент, 1957. – 319 с.; Мирза Абдулазим Сомий Бустоний. Тарихи салотини манғития (История Мангытских государей). 1962. Перевод, издание текста и прим. Л.М. Епифановой. М.: Наука, 1962. – 179 с.; Мирза Бади Диван. Маджма ал – аркам (предписания фиска, приём документации в Бухаре XVIII в.). Факси-

рини очиб беришда назарий манба вазифасини бажарувчи фикҳий асар⁸ларга асосланганлиги, диссертацияда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган жараёнларнинг моҳияти ва хусусиятини ёритишда назарий хулосалар ҳамда янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда илгари сурилган илмий маълумотлар, келтирилган материаллар ва хулосалардан Ўзбекистон тарихини ўқитиш, жумладан, махсус курслар ишлаб чиқиш, давлатчилик ва солиқ тизими тарихига доир дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда ҳамда маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср сўнгги чораги – XX аср бошларида Бухоро амирлиги солиқ тизими мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Бухоро амирлигида солиқ нозирлари фаолиятини назорат қилишда тенг ҳуқуқга эга бўлган вилоят ҳокими, қози ва раиснинг амир ҳамда кўшбегига берилган ҳисоботлари ва марказлашган назорат ҳақидаги, шунингдек, закотчи ва амлоқдорлар маҳаллий бошқарувдаги амин ва оқсоқоллар ҳамроҳлигида солиқ йиғганлиги ҳақидаги маълумотлардан ЎЗР ФА Тарих институтидаги ОТ А1-128 рақамли “VII-XIX аср биринчи ярми ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар фаолияти тарихидан” амалий лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 15 октябрдаги 3/1255-2713-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар ва хулосаларнинг қўлланиши солиқ тизимини бошқаришда амалдорларнинг иштироки масаласига аниқлик киритишга хизмат қилган.

Солиқ турлари ва миқдори, солиқ йиғиш жараёнида амал қилинган адолат тамойиллари, солиқ тўловчиларга имтиёзлар берилиши ҳамда ўз амалини суистеъмол қилган амалдорларнинг жазоланиши ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи Давлат му-

миле рукописи, введение, перевод перемечания и приложения А.Б. Вильдановой. – М.: Наука, 1981. – 123 с.; Дониш Ахмади Махдум. Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития. – Душанбе, 1992. – 98 б.; Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий / Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – 120 б.; Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий. Таворихи мутақаддимийн ва мутаахирийн / Форс-тоҷик тилидан таржима, киришсўз, изоҳлар муаллифи Н.Йўлдошев. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2003; Мирза Салимбек бин Мухаммад Раҳим. Тарихи Салими / Перевод с таджикского, введение и прим. Н. Наркулова. Ответственный редактор: А.С. Сагдуллаев. – Ташкент: Академия, 2009. – 224 с.; Садри Зиё. Наводири зиёия. – Тошкент: ВАҲОҶ, 2017. – 184 б.; Мирза Бадиъ Девон. Тазйил дар баёни амалот ва дахлдорон / Қўлёзма ЎзФАШИ. – №304/П/-5 б.

⁸ Odam, Yahyo bin. Kitab al-xiraj. Translated by A. Ben Shemesh as Taxation in Islam. vol.1. Leyden: Brill, 1967; Shemesh, A., Ben. Taxation in Islam. Leiden and London, 1969. – 152. pp.; Johansen, Baber. The Islamic Law on Land Tax and Rent. London, New York and Sydney. – 1988. – 142 pp.; Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд. Тошкент, 1996; Абу Йўсуф Йўқуб б. Ибраҳим ал-Куфи. Китаб ал-Хараж (Мусулманское налогообложение). – СПб., 2001. – 415 с.; Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Закот китоби. 8-жуз. – Тошкент, 2005; Хидоя. Комментарий мусулманского права: в 2 ч. Ч. 1. Т. I-11 / пер. с англ.; под ред. Н.И. Гродекова, отв. ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х. Саидов. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – 808 с.; Бурхан ад-Дин аль-Маргинани. Аль-Хидаёа фи шарх “Бидаёа аль-Мубтади”. Алматы, 2013 – 467 с.; Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Кифоя. 1-2 жуз. – Тошкент, 2014.

зейида солиқ тизимига оид экспозициялар яратишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 15 октябрдаги 3/1255-2713-сон маълумотномаси). Ушбу материаллар Бухоро амирлиги солиқ тизимининг иқтисодий сиёсатдаги аҳамияти ҳақида янги маълумотлар олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 1 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шу жумладан 10 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг матни 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ҳамда усуллари белгиланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ва диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқот илмий янгилиги натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро амирлигида солиқ тизими ва солиқ бошқарувида расмий ҳужжатларнинг ўрни”** деб номланган биринчи бобида амирлик маъмурияти, солиқ амалдорлари, маъмурият амалдорларининг солиқ тизимини бошқаришдаги иштироки, бошқарув механизми ва иш юритиш ҳужжатларининг солиқ тизимини бошқаришдаги аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Бухоро амирлиги давлат бошқаруви тизими сиёсий-худудий жиҳатдан уч қисмга – марказий, худудий ва маҳаллий бошқарув усулига бўлиб ўрганildi. Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви марказлашган бўлиб, амирларнинг қарорига ҳеч ким қарши чиқмаган, фақатгина дин вакилларининг кучи ва таъсири сезилиб турган⁹.

Вазир даражасидаги амалдорлардан бири *раиси калон* бўлиб, вилоятдаги раисларни бошқарган. Раисларнинг унвони *риосатпаноҳ*¹⁰ бўлиши билан

⁹ Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида. – Тошкент, 2005. – Б.66.

¹⁰ Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида. – Тошкент, 2005. – Б.24.

бирга, кейинчалик садр рутбаси ҳам қўшиб айтилган. Вазир даражасидаги амалдорлардан яна бири *қози калон* бўлиб, *қози ал-қуззот* деб ҳам атаганлар. Қози калон вилоятдаги қозиларни бошқарган¹¹.

Худудий бошқарув, яъни вилоятларда бошқарувнинг ўзига хос усули бўлиб, ҳоким, қози ва раис бир-биридан мустақил равишда ўз вазифаларини бажарганлар¹². Бу уч амалдор амир томонидан тайинланган. Булар шаръий йўл билан гуноҳкор деб топилган кишининг молини мусодара этиб, жазо беришга ҳақли бўлганлар. Аммо, уларга амирнинг буйруғи ёки муфтийларнинг кўрсатмасисиз айбдорни қатл қилиш ҳуқуқи берилмаган.

Бухоро амирлигида солиқ тизимини бошқаришда муайян тоифадаги давлат мулозимларигина эмас, балки, амирлик мулозимларининг деярли барчаси иштирок этганлар. Улар ўзларининг бирламчи хизмат вазифаларини бажариш билан бирга, солиқ тизимида ҳам ўзларига топширилган вазифаларни бажарганлар.

Муфтий мирза ва шогирдпешалар ҳамроҳлигида кўрсатилган худудга борган ҳамда амин, оқсоқол ва бир неча аҳоли вакиллари билан биргаликда ушбу худуддаги ернинг таноби ва экилган экин турини аниқлаб таноб дафтарига киритган¹³.

Закотчилар йилда бир марта нисоб* га тўлган мулкдан закот йиғиш билан шуғулланганлар. Улар ўз хизмат вазифаларини бажаришда ҳокимларга бўйсунмаганлар ва мустақил иш олиб борганлар¹⁴. Закотчиларнинг биттаси фақат шаҳарда турган ва келтирилган товарлардан закот олган бўлса, иккинчиси вилоят бўйлаб юриб, чорва эгаларидан закот йиққан¹⁵.

Амлоқдорлар ҳоким томонидан ёрлик олиб тайинланган ва туманларда маъмурий ҳокимиятни ташкил қилган. Уларнинг *доруга* деб номланувчи бир неча ёрдамчилари бўлиб, уларнинг вазифаси ғалла йиғинида ғалла уюмини муҳрлашдан иборат бўлган¹⁶.

Бошқарувнинг учинчи гуруҳи, яъни маҳаллий бошқарув сайлов асосида амалга оширилиб, бу вазифани оқсоқоллар бажарган. Оқсоқол номзодни халқ тасдиқлагандан сўнг амлоқдорга тақдим қилган¹⁷.

Амирликдаги солиқ тизимини тадқиқ қилишда хужжатшунослик катта аҳамиятга эга бўлиб, солиқ бошқарувида ҳеч бир топшириқ оғзаки буйруқ билан бажарилмаган. Аксинча ҳар бир топшириқ юқоридан қуйига қараб маъмурий хужжатлар асосида топширилган бўлса, бажарилган вазифалар тўғрисида ҳам қуйидан юқорига қараб ҳисобот берилган. Амир томонидан

¹¹ Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент, 2006. – Б.27.

¹² Муҳаммадали Балжувоний. Тарихи Нофеъий. Тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001.

¹³ Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // Туркестанские ведомости. – №32. – 1873.

* Нисоб-нисоб сўзи закот тўланиши лозим бўлган мулк миқдорини билдиради.

¹⁴ Логофет Д.И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – С. 33.

¹⁵ Гуровский Р. Экономическая жизнь Бухары // Туркестанский сборник. – Том 542. – С. 9.

¹⁶ Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // Туркестанские ведомости. – 1873. – №32.

¹⁷ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 5-варақ.

чиқарилган муборакномалар ҳужжатшуносликнинг ҳуқуқий-меъёрий турига мансуб қонун ости ҳужжатлари ҳисобланиб, алоҳида аҳамиятга эга бўлган¹⁸. Муборакномаларда амирдан қуйида турувчи барча амалдорларга хусусий ёки умумий тартибда буйруқ, фармон, фармойиш ёки иш юзасидан кўрсатмалар баён этилган.

Солиқ ишини юритишда *саноқ* ҳужжатлари тузилган. Ҳар йили бир марта нисобга етган чорваси бор бойлардан олинадиган солиқ тури – *закоти савойимни* йиғишдан аввал жойларга бориб, чорва сони рўйхатга олинган. Чорва сони рўйхатга олинган ҳужжат *саноқ* деб номланган¹⁹.

Жойлардаги чорвадан ёки бозорга келтириб, сотилгани учун мол эгаларидан умуман закотнинг ҳар қандай тури олинса, закот тўлаганларга закот олингани тўғрисида патта берилган. Бу каби ҳужжат турига нисбатан *закот паттаси* атамаси ишлатилган. Ҳужжат матни қуйидаги тартибда ёзилган: 1. Кун, ой, йил. 2. Закотнинг тури. 3. Закот миқдори. 4. Кимдан олингани. 5. Бошқа закотчилар томонидан закот талаб қилмаслик тўғрисида эслатма. Ҳужжат орқасида уни тақдим этган масъул шахснинг исми ёзилган муҳр ёки штамп босилган²⁰.

Сотувчи бирор товарни сотганидан сўнг унинг қўлига зиммасидан закот тўлаш шarti соқит бўлганини билдирувчи ҳужжат – *хати маъоф** берилган. Молини сотган одам закот йиғувчилар келган вақтда қўлидаги маъоф хатини кўрсатган ва закот тўламаган²¹.

Солиқ нозирларининг ёрдамчилари солиқ пулларини олиб келиб хазинага топширганда, пулни қабул қилган амалдор пулни қабул қилгани тўғрисида *хатрасид* ҳужжатини берган. Хазинадаги амалдорларнинг пулни олиш ва хатрасид ҳужжатини ҳам ёзишларига тўғри келса, улар ўз номларини ёзган ҳолда ўз муҳрларини босганлар²².

Вилоятлардаги закотхоналардан закотчилар ҳар 6 ойда ва бир йилда бир марта амир номига ҳисобот берганлар. Улар фақатгина закот киримлари ҳақида маълумот бермай, балки закотхонанинг барча харажатлари ҳақида ҳам аниқ рақамлар асосида ҳисоб-китобларни тақдим қилганлар. Бу эса, ўз ўрнида, солиқ ҳисоботи бўлиши билан бирга, солиқ ташкилотининг ички ҳисоб-китоби вазифасини ҳам бажарган. Ҳужжатларда амалдорлар номидан “*арз доштам*”, деб ёзилгани сабабли улар умумий аризалар туркумига киритилади. Аммо, хусусийлик жиҳатидан ҳужжатда “*закот шудаги ва хароҷоти закотхона*” деб ёзилгани туфайли уларни солиқ ташкилотининг ҳисоб-китоби, деб аташ ҳам мумкин²³.

¹⁸ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 768-йиғма жилд, 1-варақ.

¹⁹ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 652-йиғма жилд, 75 варақ.

²⁰ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 659-йиғма жилд, 1-варақ.

* Хати маъоф – арабча сўз бўлиб, солиғи бирор сабабга кўра кечиб юборилганда бериладиган ҳужжат. Ҳужжат ҳажми ўрганилган ҳужжатлар ичида энг кичиги бўлиб, тахминан эни 6 см, бўйи 11 см.ни ташкил этади.

²¹ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 659-йиғма жилд, 81-варақ.

²² ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 666-йиғма жилд, 96-варақ.

²³ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 664-йиғма жилд, 26-варақ.

Вилоятларда амлоқдорларнинг мирзалари турли солиқлар юзасидан маҳсулот турларини рўйхатга олиш, уларнинг миқдорини ҳисоблаш ишлари учун солиқ ҳисоб-китоб дафтарларини юргизганлар. Ушбу дафтарлар солиқ олинадиган соҳа номи билан юритилган. Масалан, харож туркумига солиқлар учун *дафтари ғалла**, *дафтари танобона**, *дафтари алафмоли** каби солиқ дафтарлари юритилган²⁴.

Тупроқни ювиб, олтин ажратиб олувчиларни рўйхатга олиш ва улардан олтин ҳисобида олиниси лозим бўлган солиқларнинг ҳисоб-китоб дафтарлари *дафтари тилло*²⁵ номи билан юритилган.

*Пойгир*лар солиқ ҳисоб-китобларида солиқчиларнинг номи ёки бошқа тўловлар юзасидан ҳисоб-китобларга илова бўлиб келган. Аммо, қўшбеги томонидан солиқ тўловчилар ва улар тўлашлари лозим бўлган миқдор кўрсатилган ҳолда амлоқдорга берилса ва муҳр билан тасдиқланган бўлса, *пойгир* алоҳида юридик ҳужжат вазифасини бажарган²⁶. Ушбу пойгирлар асосида амлоқдорлар кўрсатилган ҳудудга бориб, пойгирда исми кўрсатилган шахслардан пойгир ҳужжатида белгиланган миқдорни кўрсатган ҳолда солиқ олганлар.

Диссертациянинг **“Зако́т ундириш тартиблари ва унинг амалиёти”** деб номланган иккинчи бобида амирликдаги солиқ, тўлов ва шариатда белгиланган мажбуриятлар алоҳида тушунчалар эканлиги, закот амалиётининг ҳуқуқий-анъанавий асослари, закот миқдорини белгилаш, закот олинадиган объектлар, божхонанинг ташкилот сифатидаги вазифаси, божхонада закот олиш тартиблари, хорижлик савдогарларнинг товар олиб келиши ва олиб чиқиши масалалари кўрсатиб берилган.

Закот шариат қонунларига кўра, чорва моллари, кўчар мулкнинг барча турлари бўлган тилла, кумуш, тижорат моллари, нақд пул, даромад келтирувчи барча маҳсулотлар, деҳқончилик маҳсулотлари (ер мақомига қараб ушр ёки хирож кўринишида миқдори ўзгаради), ер ости бойликлари агар нисобга етса 1/40 қисмини, яъни 2,5 фоиз миқдорида, натурал ёки нақд пул кўринишида тўланиши лозим. Бухоро амирлигида маҳсулот миқдори ва жойига қараб закотнинг турлари ҳар хил номлар билан аталган бўлса-да, ўзининг бирламчи моҳиятини сақлаб қолган.

Бухорода шариат асосида нисобга тўлган чорвадан олинадиган закот тури *закоти савоим* деб юритилган²⁷. Маълумотларга кўра, закот олишда чорванинг зоти ва сифатига катта эътибор берилган, бунда закот миқдори нақд

* Дафтари ғалла – тожикча сўзлар, “ғалла дафтари” деб таржима қилинади. Ғалладан йиғилган солиқларнинг ҳисоб-китоб дафтари бўлган.

* Дафтари танобона – тожикча сўзлар, “танобона дафтари” деб таржима қилинади. Танобонадан йиғилган пулларнинг ҳисоб-китоб дафтари бўлган.

* Алафмоли – “алаф” тожикча сўз, “хашак”, “ўсимлик” деб таржима қилинади. “Мол” сўзи араб, форс, тожик ва ўзбек тилларида бир хил маънони англатади. Алафмолидан йиғилган пулларнинг ҳисоб-китоб дафтари бўлган.

²⁴ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 727-йиғма жилд, 1-варақ.

²⁵ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 607-йиғма жилд, 2-варақ.

²⁶ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 743-йиғма жилд, 331 та варақ.

²⁷ Хорошкин А. Заметка о зякате в Бухарском ханстве // Туркестанские ведомости. – 1872. – №14.

пулга ҳисобланган. Зотли катта қўйларнинг ҳар закотига* 40 тангадан, қозоқи қўйларнинг ҳар закотига 30 тангадан, эчкининг ҳар закотига 16 тангадан, туянинг ўртача нархидан 1/40 миқдорида ҳисоблаб олингани ҳақида маълумотлар мавжуд²⁸.

Амирликдаги солиқ амалиётига кўра, тижорат даромадларидан олинган закотлар *закоти тижорати* деб юритилган ва маҳсулот турига қараб номланган. Газлама ўрамлари той деб номланган ва бозорларда сотиш учун келтирилган газламаларнинг тойига қараб закот олингани учун *той пули* дейилган²⁹. Хужжатдаги рақамларга кўра, турли газлама тойларидан турли миқдорда закот олинган, чунки бу миқдор газламанинг баҳосидан келиб чиқиб белгиланган.

Тоғ ёнларини ковлаб, тупроқдан тилло ажратиб олганлари учун давлат *заршўйи** юзасидан ҳар бир уйдан 1 тилло, ушр амалиёти юзасидан 2 танга ва 5 ёки 0,5 сир* ғалла ва 1 асбгоҳ* ва 1 авлод* ўтин олиншини жорий қилган³⁰. Ушбу закот тури *тиллочини* деб номланган ва тилло ковловчилар рўйхати тuzилиб, олинган тилло пули учун дафтари тилло юритилган³¹.

Бундан ташқари, пахта деҳқончилик маҳсулоти бўлса ҳам ундан закот олинган, чунки пахта қимматбаҳо саноат хомашёси сифатида асосий тижорат товари ҳисобланган³².

Бухоро амирлигида давлат ҳимоясида яшаган номусулмонлар ҳам бўлиб, улар давлатга *жизя* тўлаганлар ва давлат ҳимоясида бўлганлар. Қўшбеги девонхонасига тегишли солиққа оид хужжатлар ичида жизяга тегишли хужжатлар ҳам мавжуд. Уларда амирликдаги ҳинд ва яхудий жамоалари жизя тўлаганликлари ҳақидаги маълумот қайд этилган³³.

XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги божхона ишини юритиш тартиблари ислом ҳукуқи асосида шаклланган бўлиб, айнан шариат буюрган закот билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Бундан божхона постларидан олинган бож айнан закот вазифасини ўтагани маълум бўлади. Маълумотларга кўра, Жиззах Бухоро амирлигининг Қўқон хонлиги билан чегара ҳудудида жойлашган шаҳар бўлган. Амирлик ҳудудидан Қўқон

* Ҳар закоти – яъни бир нисоб назарда тутилган. Масалан 40 қўйдан битта қўй, 25 та қорамолдан битта ғунажин, 5 та туядан битта қўй тўланиши бир закотни билдиради.

²⁸ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 633-йиғма жилд, 10-варақ.

²⁹ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 627-йиғма жилд, 1-варақ.

* Заршўйи – тожикча сўз бирикмаси бўлиб, “зар ювиш” деб таржима қилинади. Бу сўз адирлик ёнларидан ковлаб олинган тупроқни ювиб, тилло ажратиб олиш жараёнини ифодалайди.

* Сир – Мовароуннаҳр вилоятларида ўрта асрларда ботмоннинг 1/40 миқдорида қабул қилинган ўлчов бирлиги. Сир миқдори Бухоро ва Самарқанд ботмонига нисбатан белгиланган. Шуғнонда 1 сир 10 кг, 12 кг ва 18 кг.га тенглаштирилган. Хинц В. Мусулманские меры и веса с переводом в метрическую систему; Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – М., 1970. – С. 103.

* Асбгоҳ – тожикча сўз бирикмаси бўлиб, “от учун жой” деб таржима қилинади. 1 асбгоҳ, яъни битта от учун жой.

* Авлод – авлод ёки улуд, ушбу миқдор қанчалиги манба ва адабиётларда учрамади. Хужжат матнидан ҳам тахмин қилишнинг имкони бўлмади.

³⁰ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 607-йиғма жилд, 4-варақ.

³¹ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 607-йиғма жилд, 2-6-варақлар.

³² ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 658-йиғма жилд, 1-2-3-4-варақлар.

³³ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 657-йиғма жилд, 16-варақ.

хонлиги орқали шимолга чиқиш ва савдо карвонларининг амирлик орқали жанубий давлатларга бориш йўллари Жиззахдан ўтган. Карвонларнинг ўтганлиги, асосий закот пункти бўлганлиги сабабли Жиззах савдо муносабатларида ҳам фаол ва даромад келтирувчи ҳудуд бўлган³⁴.

Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудида, гарчанд бу ерлар амирликнинг ўз ҳудуди бўлса-да, иккита йирик божхона бўлган. Бунинг сабаби бу постлар амирликнинг ички ҳудудига қўшиб олинишидан илгари, уларнинг чегара ҳудуди бўлганлиги билан боғлиқдир. Амирлик Помир ҳудудларини босиб олгандан сўнг ҳам бу постлар ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Божхона постларининг бу тарзда сақланиб қолишига Помирнинг хорижий давлатлар билан чегарадош эканлиги сабабли хавфсизлик масаласи ҳисобланса, иккинчи томондан молиявий аҳамият касб этган, чунки, божхонадан ўтган моллар зақоти тўланмасдан сотилиб кетишининг олди олинган³⁵.

Бухоро амирлиги 1894 йилдан Россия империясининг божхона тизимиغا киритилгандан сўнг амирликнинг ташқи савдо алоқалари империя манфаатига бўйсундирилиб, чет мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаларига чекловлар қўйилган³⁶. Бунга қадар, яъни 1890 йилларда амирликдан Европага экспорт қилинган қоракўл терисининг 75 фоизи Россия савдогарларига эмас, балки Париж, Лондон, Лайпциг, Нью-Йорк шаҳарлари ва Канада давлати савдо фирмаларига сотилган. 1902 йилга келиб, Бухоро қоракўлининг Европа бозорларидаги экспорт ҳажми 75 фоиздан 50 фоизга пасайган³⁷.

Хорижлик фуқаролар тери сотиб олишса, закот тўламаганлар. Давлат зақотни тери сотувчидан олган. Аммо, харидор ҳар 30 сўмлик савдодан 15 тийин миқдорида *тахтижой* пули тўлаган³⁸.

1894 йилда Россия – Бухоро божхона шартномаси* асосида Паттакесар қишлоғида зақотсарой (божхона) ташкил қилинган. Термиз ҳудудидаги Паттакесар божхона пости Бухоро амирлигига қарашли бўлиб, Эрон ва Афғонистондан келиб, Амударё кечуви орқали ўтадиган кишиларни назорат қилиш учун мўлжалланган. Бу божхона постини ташкил қилишда Россия империясининг стратегик мақсадлари бирламчи ўринга қўйилган³⁹.

Бухоро-Россия божхона шартномаси натижасида XX аср бошларида Бухородан Россия ҳудудига пахта олиб чиқиш кўпайди. Манбада пахта олиб чиқаётган фирмаларнинг божхона солиғига жалб қилиниши Бухоро ҳукумати учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқарганлиги қайд этилган⁴⁰.

Диссертациянинг **“Ердан олинадиган даромад солиғи ва бошқа тўловлар”** деб номланган учинчи бобида ерга ишлов бериш орқали дехқончилик ва боғдорчилик маҳсулотларидан шариатда кўрсатилган тартибда ушр ва

³⁴ Хорошхин А. Заметка о зякате в Бухарском ханстве // Туркестанские ведомости. – 1872. – №14.

³⁵ А.П. Подати и налоги в Восточной Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1906. – №8.

³⁶ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 1101-йиғма жилд, 1-4 орқа варақлар.

³⁷ Раззоков Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари). Тарих фанлари илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1994. – Б. 89.

³⁸ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 646-йиғма жилд, 31-варақ.

* 1894 йилда Бухоро амирлиги Россия божхона ҳудудига киритилгандан сўнг “Россия – Бухоро божхона шартномаси” қайтадан имзоланган.

³⁹ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 640-йиғма жилд, 10-варақ.

⁴⁰ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 646-йиғма жилд, 22-варақ.

харож олиш, харож миқдоридан ушрни ажратиш, маҳсулот турига қараб харож белгилаш, давлат томонидан белгиланган тўловлар, давлат томонидан кўрсатилган турли хизматлар учун олинадиган тўловлар ва хазинанинг бошқа тушумлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилади.

Бухоро амирлигида солиқ олишнинг ҳуқуқий-анъанавий асосларига кўра, ер даромадларидан ушр ва харож олинган. Белгиланган тартибларга мувофиқ, 5 васқдан (ёки 300 соъ 612 килограммга баробар бўлган) кам ҳосилдан ушр олинмайди⁴¹. *Харож* амалиётига кўра, ерлардан олинадиган маҳсулотлардан шариатда кўрсатилган тартибда ва миқдорда солиқ олиниши тушуниланган.

Бухоро амирлигида асрлар давомида шаклланган мулккий эгалик шариат асосида қонунийлаштирилган бўлиб, XIX аср охирига келиб ҳам бу анъана сақланиб қолган. Бухоро амирлигида ер эгалиги муносабатлари Ханафий мазҳабига кўра, *таъомули одат*га асосланган⁴².

Мовароуннаҳр ҳудудларининг ушрий ёки харожий ерлар таркибига кириши ҳақида фақиҳлар ижтиҳоди* турлича бўлган. Имом Муҳаммад Шайбонийнинг ижтиҳодига биноан, Мовароуннаҳр ҳудудларидаги ерлардан олинган ҳосилдан ушр тўланиши лозим бўлса, Абу Юсуфнинг ижтиҳодига биноан ушбу ерлар харожийдир⁴³.

Бухоро амирлигида XIX асрнинг сўнги чораги – XX асрнинг бошларида ҳам харож икки хил, яъни *харожи муъаззаф* ва *харожи муқосама* кўринишида сақланиб қолган⁴⁴.

Танобона ҳам харож таркибига кирувчи даромад солиғи бўлиб, у чорбоғ (ёнғоқзор), боғ (узумзор), бохча (боғча, полиз ва сабзавотзор) ва алаф (беда каби хашаки экинлар) экилган ерлардан экин турига қараб олинган. Маълумотларга кўра, бир йилда бир марта 1 таноб бедадан Россия пули билан 90 копеек, 1 таноб қовун-тарвуздан 1 рубль 5 копеек, 1 таноб узумдан 1 рубль 80 копеек танобона йиғилган⁴⁵.

Ҳисор вилоятида бир қўш майдондан олинган сомон учун 1 манн буғдой миқдоридан *коҳ пули** олинган⁴⁶. Коҳ пули ҳам деҳқончилик қилиш орқали олинадиган даромад мулки бўлганлиги учун бир қўш ердан қанча сомон олиш мумкинлиги аниқ бўлган ҳолда, унинг харожи 1 манн буғдой билан танобона тартибда йиғилган.

⁴¹ Бурхан ад-Дин аль-Маргинани. Аль-Хидайя фи шарх “Бидайя аль-Мубтади”. – Алматы, 2013. – С. 233.

⁴² Абдураимов М. Феодал ер эгалигининг баъзи бир категориялари ҳамда 16-19-аср бошларида Бухоро хонлигидаги деҳқонлар аҳволи ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1963. – №07. – Б. 35.

* Ижтиҳод-Бирор шаръий масала юзасидан ҳар бир фақиҳнинг ўзи чиқарган ҳукми. Фақиҳларнинг чиқарган ҳукми бошқа фақиҳларнинг чиқарган ҳукмига мос келмаслиги мумкин. Бундай фақиҳлар мужтаҳид дейилган.

⁴³ Хидоя. Комментарий мусульманского права: в 2 ч. Ч. 1. Т. I—11 / пер. с англ.; под ред. Н.И. Гродекова; отв. ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х. Саидов. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – С. 100.

⁴⁴ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 117.

⁴⁵ Энпе. Очерки. Бухара // Туркестанский сборник. – Том 541. – С. 182.

* Коҳ пули – “коҳ” тожикча сўз бўлиб, “сомон” деб таржима қилинади. Бунда сомон учун олинадиган даромад солиғи тушуниланган.

⁴⁶ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 626-йиғма жилд, 1-варақ.

Асосий солиқлар – закот ва харож билан бир қаторда, тўловлар ҳам мавжуд бўлган⁴⁷. Бухоро амирлигида солиқлар билан бир қаторда қонуний тусга кирган давлат тўловлари ҳам жорий қилинган. Бу тўловлар суд ишларини (жиноий, фуқаролик) амалга ошириш, нотариал ҳужжатларни (васикалар) расмийлаштириш, фуқаролик ҳолатлари (никоҳни қайд этиш) далолатномаларини қайд этиш учун пуллик хизматлар, солиқ йиғиш жараёнидаги харажатлар, солиқ йиғишда иштирок этадиган ва назорат қиладиган маъмурларнинг маоши ҳисобидаги меҳнат ҳақлари учун олинган.

Маълумотларга кўра, баҳор фаслида дала ишлари бошланишидан аввал ерни ҳайдамоқчи бўлган ҳар бир жуфт ишлайдиган чорвадан 4 тангадан 8 тангагача бўлган миқдорда *қўш пули* олинган.

Балжувон вилояти ҳокими Абдулқодирбек бий парвоначи вилоятдаги ҳар бир қўш учун экин бошланган вақтда 9 тангадан қўш пули йиғдириб олган⁴⁸. Ушбу тўлов баҳор фасли бошланиши билан ерга ишлов бериш ишлари бошлаган вақтда амалга оширилган.

Ҳосил йиғиш мавсумида харож солиғини йиғиш билан бирга кафсан ва кафсан дарға тўловлари ҳам йиғилган⁴⁹.

Тўловларнинг яна бир тури *миробона* деб номланган. Масалан, суғорилиб, гуруч экиладиган ерларнинг эгаси ҳар жуфт иш чорвасидан бир ботмон гуруч натура кўринишида ёки нақд пул билан миробона тўлаши керак бўлган⁵⁰.

Аминона тўловини аминоначилар бозордаги даллоллардан ундирганлар. Даллоллар 1000 тангалик олди-сотди ўртасида воситачилик қилгани учун сотувчидан 7 ½ танга, харидордан 5 танга олганлар. Бозор аминоначилари ҳар 3 ойда даллоллар иштирокида хазинага юбориладиган пул миқдорининг ҳисобини бериб борганлар. Аминоначи бозордаги пул айланмасининг ҳар 1000 тангасидан 5 танга юборишини маълум қилади ва юборади. Бу эса аминонадан олинган пулнинг фақат харидор тўлаши лозим бўлган 5 тангадан иборат бўлиб, сотувчи берадиган 7 ½ танга аминоначига қолган⁵¹.

Тўловлардан бири *муҳрона* бўлиб, бу қози ва раислар томонидан аҳолига кўрсатилган ва муҳр билан битадиган юридик ҳамда нотариал хизматлар учун олинган. Қози ва раислар* кўрсатган хизматлари учун олинадиган муҳрона тўловини хазинага жўнатганлар⁵². Улар тўловларни хазинага ким орқали юборганликлари ва хазинадаги жавобгар мулозимга топширганликлари ҳақида амирга аниқ ёзма ҳисобот топширганлар⁵³.

⁴⁷ А.П. Подати и налоги в Восточной Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1906. – №6-7-8.

⁴⁸ ЎзР МДА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 597-йиғма жилд, 19-варақ.

⁴⁹ Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // Туркестанские ведомости. – 1873. – №32.

